

Рамазоннинг дастлабки 10 кунда 1,5 миллион мусулмон Масжид-ул Ҳарамни зиёрат қилди



11:00 / 27.04.2021 1648

Рамазоннинг биринчи ўн кунлигида Маккадаги Буюк масжидга 1,5 миллионга яқин мусулмонлар ва зиёратчилар ташриф буюришди.

Саудия Арабистони матбуот агентлиги Масжидул Ҳарамга ташриф буюрувчилар хавфсиз ҳолда ўз амалларини бажаришлари учун ижтимоий масофани узоқлаштириш ва ниқоб тақиш каби қатъий чоралар кўриляётганини таъкидлаб ўтди.

Зиёратчиларнинг қулайлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар орасида Умра зиёратчилари учун Каъба атрофини ажратиш ва кексалар ҳамда ногиронлар учун махсус йўллари яратиш киритилди.

Икки муқаддас масжидга қарашли бош бошқарма томонидан муқаддас масжидларга ташриф буюрувчиларга иссиқни енгишга ёрдам бериш учун соябонлар тарқатилди.

Бу ҳафта Макка ва Мадинада ҳарорат 38 даражагача чиқиши кутилмоқда.

Таржимон: Мунира Баҳодиржон қизи